

## ЭКРАН САНЬЯТИДА КОМПОЗИЦИЯ



**Маҳмуд Тажимуродов**

Катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус  
филиали

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-02-14>

**Аннотация:** Ушбу мақолада экран санъатида композициянинг қонун-қоидалари, фильм мазмунини очиб беришда композициянинг ўрни, ижодкорлар олдида турган вазифалар, уларни амалга ошириш юзасидан айрим фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** экран, сценарий, кадр композицияси, ҳамоханглик, уйғунлик, яхлитлик, мувозанатли, мувозанатсиз, композиция маркази, кадр композицион воситалари, ритм, шакл, чизиқлар, нур-соя, ранг, фильмнинг умумий композицияси, маъно, образ.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются правила и принципы композиции в экранном искусстве, роль композиции в раскрытии содержания фильма, задачи, стоящие перед создателями, а также некоторые мысли и размышления о реализации этих задач.

**Ключевые слова:** экран, сценарий, композиция кадра, гармония, согласованность, целостность, сбалансированность, несбалансированность, центр композиции, композиционные средства кадра, ритм, форма, линии, свет-тень, цвет, общая композиция фильма, смысл, образ.

**Abstract:** This article discusses the rules and principles of composition in screen arts, the role of composition in revealing the content of a film, the tasks facing the creators, and some thoughts and considerations regarding the implementation of these tasks.

**Keywords:** screen, script, frame composition, harmony, coherence, integrity, balanced, unbalanced, composition center, compositional tools of the frame, rhythm, shape, lines, light-shadow, color, overall composition of the film, meaning, image.

Санъатнинг ҳам бир турида композиция мавжуд. Санъат турлари бўлган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик, дизайн, мусика, кино, телевидение соҳаларида композиция асосида асарлар яратилади. Композиция ҳар бир санъат турида уларнинг ўзига хосликлари асосида юзага келади. Масалан, рассомликда бўёқ, шакл ва чизиқлар асосида шаклланса, мусика санъатида мусика ва овоздан таркиб топади.

Экран санъатида композициянинг муайян қонун-қоидалари ва мезонлари мавжуд. Композиция муаллиф ўз олдига қўйган мақсади ва гоясини тўғри талқин қилиб, мазмун ва кўриниш бирлиги орқали асар мазмунини тўлақонли очиб беришга хизмат қилади.

Экран санъатида композиция - бу фильмнинг сценарийси, визуаль тузилиши ва бадиий воситаларини режалаштиришdir. Унда экран асарининг тузилиши, кадрларнинг тузилиши, қаҳрамонлар ва буюмларнинг жойлашуви ҳамда ҳаракати, ёритиш, камера жойлашуви ва планлар, ранглар уйғунлиги ва бошқа визуаль воситалар ўзаро мувофиқлаштирилади. Кинокомпозиция фильмнинг маъносини, эстетикасини шакллантиришда ва қаҳрамонинг ҳис-туйғусини очиб беришда муҳим жуда роль ўйнайди.

Экран санъати композицияси кенг маъноли тушунча бўлиб, сценарий композицияси, кадр композицияси ва фильмнинг умумий композициясидан таркиб топади.

Сценарий композициясида драматург мавзуу ва гояни аниқ белгилаб олиши зарур. Фильм мавзуси асосида унинг услуби, шакли, сюжети ва қаҳрамонлари шакллантирилади. Фояда эса, драматургнинг фильм воқеалари ва қаҳрамонларига, яъни фильм сюжетига

муносабати ифодаланади. Ғояда сценарийнинг умумий йўналиши ва драматург хулосаси акс этади.

Бир сўз билан айтганда, муаллиф сценарийда ғоя, мавзу ва ўз муносабатларини кўрсатиб беради. Бунинг учун воқеалар бир-бирига уйғун ва яхлит бўлиши, қаҳрамонларнинг муносабатларини мувофиқлаштириш учун бадиий жиҳатларини тартибга солувчи ва воқеаларни боғловчи тизим керак бўлади. Бу тизим бевосита композицияда шаклланади.

"Фильм шундай бир нарса бериши керакки, у томошабиннинг қизиқишини тобора орттириб борсин, финалга борганда чўққига чиқсин. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқийлик аудиторияни жунбушга келтирувчи энергияга эга бўлиши лозим. Яхши ҳикоя қилинган воқеада энергия ошиб боради ва томошабинлар ларзага келади. Агар омад келиб қолса, кульминацияда улар ҳамма нарсани унутадилар. Максимал ички энергия ҳолатида томошабинлар санъат томонидан инъом этилган баҳт чўққисига - катарсисга эришадилар. Аммо биз омаднинг келишига, интуицияга умид қила олмаймиз. Бизга жалб қилувчи энергиянинг ҳисоб-китоби ва тизилмаси зарур". [1.18.6]

Сценарий композициясининг таркиби экспозиция, тугун, воқеалар ривожланиши, кульминация ва ечим каби қисмлардан иборат.

Экспозиция, бу асарнинг кириш қисми саналади. Содир бўлаётган воқеанинг қаерда, қачон рўй бериши, қаҳрамонлар кимлар эканлиги ҳақида маълумот берилади. Фильм мухити - бу қаҳрамонларни қуршаб турган шарт-шароит, атроф ва табиатдир. Қаҳрамоннинг мухит билан ўзаро боғлиқлиги, унинг ички оламини очиб беришга ёрдам беради. Шу билан бирга, фильмнинг умумий мавзуси акс этиши, замон ва маконни аниқ кўрсатиб бериши керак. Экспозициянинг асосий вазифаси томошабинларни бошланаётган фильм мавзуси ва мухитига олиб кириши, воқеага ойдинлик киритиб, қаҳрамонларнинг қарашларини аниқлаштириши, уларни фильм томошасига тайёрлаши керак. Дастрлабки воқеа томошабиннинг эътиборини жалб қилиб, уни кейинги сюжетларни кўришга ундаши зарур.

Тугун (конфликт) гуруҳлар ёки шахсларнинг ғоявий ёки фикрлар қарама-қаршилиги, тўқташуви, яъни вужудга келган вазиятда мувозанатнинг бузилиши. Бунинг натижасида турли воқеалар келиб чиқади, қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарида. "Конфликт - драманинг калит сўзи"дир. Драма кишиларнинг бир-бирларига нисбатан қиласидан ҳатти-ҳаракатлари билан шуғулланади. Конфликт доимо бизнинг диққат марказимизда бўлади. Драмадаги ҳар бир ҳиссий ёки интеллектуал қадриятларни биз фақат персонажлар орқали оламиз. Кишиларнинг драмадаги ҳатти-ҳаракатлари моҳиятга кўра конфликтлидир. Агар конфликт яширин ёки кучсиз бўлса, биз уни топамиз ва ривожлантирамиз".[2.80.6]

Воқеаларнинг ривожланиши натижасида конфликтнинг ривожланиши, мураккаблашувига ечим топилиб, кейинги сюжет воқеаларида янгича муносабатлар, янгича қарашлар пайдо бўлади. Қаҳрамонларни у ёки бу йўлни танлашга ундейдиган воқеа ва ходисалар, ҳатти- ҳаракатлар пайдо бўлади.

Кульминация - воқеалар, ҳаракатлар, қурашларнинг энг авж нуқтаси. Фильмнинг якуний қисмida кульминация янада ривожланади. Воқеаларда мувозанат пайдо бўлади. Қурашётган қарама-қарши томонлар умумий ечим асосида муросага кела бошлайди. Янги воқеа кутилмаган шаклларда намоён бўлиб, фильмнинг руҳий ҳолатининг авж нуқтаси пайдо бўлади. Кульминация - фильм воқеалари, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ва томошабиннинг руҳий таъсирининг энг юқори чўққиси. Кульминация воқеаларни янгича тарзда ривожланишига олиб келади, воқеани бойитади, конфликтли воқеалар ўз ечимини топган вазиятлар орқали намоён бўлади. Фильм ижодкорларининг ғоя ва мақсадлари очиқланади.

Ечим (финал) тўқнашувларнинг, яъни конфликтнинг ҳал қилиниши, у ёки бу воқеанинг маъно - мазмунини, вазиятни тушунишга олиб келади. Фильм якунланишида асосан, пролог ва эпилог тарзида учрайди. Пролог - бу асосий воқеанинг ривожига ўзига хос якун саналади. Тасвирланаётган воқеаларнинг дастрлабки сабаблари очиқланади.

Эпилог - бу асарда күрсатилған воқеалардан келиб чиқадиган якуний хulosаларни тасвирлайды. Қаҳрамоннинг кейинги ҳәёти баён қилинади. "Сценарийнинг бир бутунлиги ва мукаммаллиги - бу эпизодлар ва эпизод ичидағи қадрларнинг ягона композицияга уйғуллашган ҳолда бирлашишидир. Биринчи эпизодда берилған фикр асосий ҳаракат орқали ўтиб, финалда бойитилиб ва очилиб бориши керак. Бутун сценарийнинг шундай бирлиги ва амалий ўзаро боғлиқлиги, унинг алоҳида қисмларини эмас, балки бадиий образни яратади". [3.35.6.]

Сценарийнинг тузилиши қанчалик мукаммал бўлса, фильм бадиий етук, маънодор ва томошабинбоп бўлади.

Ҳалқимизнинг "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал" деган нақли бор. Бу ҳам бежизга эмас. Бизни ўраб турган дунё ҳақидаги маълумотларнинг деярли 90 фоизини кўриш орқали олишимиз фанда ўз тасдифини топган. Идрок этиш асосан кўриш орқали юзага келади. "Бу жиҳатдан, биopsихологлар Нобель мукофоти совриндорлари Д. Хьюбел ва Т. Визел томонидан қилинган хulosалар ҳам қизиқарли. Улар турли шакл ва йўналишдаги нурларни кўз тўр пардасига йўналтириб, миянинг муайян қисмидаги хужайраларнинг муайян шаклдаги нурга нисбатан фаоллигини кузатишган. Демак, мия хужайралари дастлаб кириб келаётган маълумотни чизиқлар, соялар, ҳаракатларга ажратади ва шундан кейингина бу хусусиятларни ягона визуаль образга бирлаштиради".[4.30.6.]

Тасвир макон, замон, вақт, буюмларнинг тузилиши, ранги тўғрисида маълумотларни тақдим этади. Атрофда содир бўлаётган воқеа ва ходисалар ҳақида тез ва кўламли маълумотлар оламиз. "Объектни таниб олиш учун кетадиган вақт жуда оз (тахминан 1/100 сония). Бу объект қабул қилувчи субъектга қанчалик таниш эканлигига ва у айнан нимани кўришни хохлаётганига боғлиқ". [5.20.6.] Тасвирнинг бу кучини тўғри йўналтириш учун, албатта композиция керак.

Экран санъатини яратишда ҳам айни шу жиҳатларни, хусусан инсоннинг психологияк идрок этишига катта эътибор қаратишимиш керак, шундагина томошабинлар қалбидан чуқур жой оладиган, тасвирларни яратади.

Таъкидланганидек, экрандаги тасвирнинг маъно-мазмунини тўғри етказиша композициянинг ўрни жуда муҳим. Композиция тушунчаси тўғрисида тўлақонли тасаввурга эга бўлиш учун эса, фотокомпозицияни ҳам яхши билиш керак. Композицияни тўғри англашда жуда катта аҳамиятга эга.

Кадр композициясида тасвир бадиий жиҳатдан етук образ яратишга хизмат қиласди. Томошабинни муайян бир ғояга йўналтирилған визуаль маълумотлар билан таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, композиция тасвирнинг тили ва ўзига хос бадиий ўлчовидир. Экран санъатида кино ҳамда телевидение тасвирчилари ва режиссёrlари кадр композицияси қонуниятларини мукаммал билиши шарт. Кадр композицияси содда бўлса, томошабинни зериктиради. Жуда мураккаб бўлса, томошабинни чалғитади. Шунинг учун композиция тузилишида меъёрни билиш экран ижодкорларидан ҳисобланган тасвирчининг вазифаси саналади. Тасвирчи томошабинга бадиий-тасвирий ечимни хавола қилиши ва томошабинни экранга жалб қила билиши керак.

Кадр композиция - бу тасвирий фикрни баён қилишнинг бир усули, бадиий воситаларни жойлаштириш санъатидир.

Кадрни қаерда, қайси вақтда, қандай тасвирга олиш, қаҳрамон ва буюмларни жойлаштириш маҳорати композицияни тузишда асосий ўрин тутади. Бу тасвирчининг билими, дунёқараши, диidi ва ҳис қилиши орқали юзага келади. Кадр композициясининг аниқ бадиий ечим топиши фильмнинг бадиий савиясини янада бойитади. Содда ёки жуда мураккаб композиция жиддий бадиий йўқотишларга олиб келади.

Фильм алоҳида кадрлар йигиндисидан иборат бўлар экан, тасвирчи кадр композициясини яхши англаши зарур бўлади. Негаки "Фикрни мантиқий хulosалар билан эмас, балки кадрлар ва композицион ҳаракатлар билан яратамиз... С.М. Эйзенштейн".

[6.15.6.] Тасвиринг бадий жиҳати ҳам айнан кадр композициясининг тузилиши билан баҳоланади.

Шу ўринда кадрнинг фильмдаги роли ҳақида тўхталиб ўтсак. Авваламбор томошабин тасвири кўради, овоз ва мусиқа орқали қўшимча маълумот олади ва монтаж жараёнида танланган алоҳида кадрларнинг йигиндинси томоша қиласди. Драматургдан сценарий мазмуни ёки режиссердан фильм ғоясини сўрамайди. Асосан экранда кўринган тасвир, актёрлар ижроси ва овоз орқали эстетик завқ олади. Кадрда драматургнинг ва режиссернинг ғояси акс этиши шарт. Кадрни нима билан таққослаш мумкин? Шоир ёки ёзувчи ўз ижод маҳсулини оқ қоғозга ёзмаса, китобхон ҳеч нима ўқий олмайди, рассом қалам ёки бўёқлар билан ўз асарини битмаса, томошабин ҳеч нимани кўра олмайди. Экранда кадр бўлмаса ҳеч нимани кўриш имкониз. "Ҳар бир кадр худди катта китобдаги сурат кабидир, ҳар бир сурат ўқувчи-томушабинни кадрдан кадрга драматик воқеликлар орқали асарнинг финалигача олиб бориши керак". [7.257.6.] "Шеърият - эшитиш мумкин бўлган тасвирий санъат, тасвирий санъат - кўриш мумкин бўлган шеъриятдир" деган Леонардо да Винчи. [8] Экран санъати синтез санъат ҳисобланиб, бир қанча санъатлар жамланмасидир. Бу ўринда мен кадрни китоб варагига қиёслаган бўлардим. Китобни вараклаб, ўқиган сари воқеалар маъно-мазмунга тўлиб, ривожланиб, қаҳрамоннинг образи очилиб, китобхон тафаккури бойиб боради. Якунда яхлит бир ғояга асосланган мукаммал асарга айланади. Кадрда драматургнинг ва режиссернинг фикр ва ғоялари сингдирилган, тасвиричи томонидан тасвирий маъно-мазмунга тўлдирилган, актёрлар ижросида образлар жонланган, кадрлар бир-бирини тўлдириб, якунда яхлит бир ғояга йўғрилган экран асари яралади.

Тасвир экран санъатининг энг асосий бадий воситаси саналади. Кадр композицияси эса томошабинга тасвири тўғри етказишга хизмат қиласди. Айнан бу вазифани кино ва телес тасвирилар амалга оширади. Экран санъати томошабин билан тасвирий тил орқали мулоқот қилувчи санъат, унинг тасвирий ечими жуда мукаммал бўлмоғи керак. Фильмни тасвирий ва ғоявий жиҳатдан чуқур ўрганиш зарур. Мантиқсиз тасвиirlар, номукаммал композиция томошабинга кутилган руҳий кечинмаларни бера олмайди.

Кадр композициясини тузишда эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган бир қатор муҳим хусусиятлар мавжуд. Экраннинг тасвирий тилни ўзлаштириш мақсадида биз тасвирий санъат ва фотографиянинг умумий қонуниятларига эътибор қаратамиз. "Кинооператор мусаввир, фақат мўйқалам ва холст ўрнида киноаппарат ишлатилади ва у ўз асарларини тасмага ёzádi. Беш юз йил бурун буюк Леонардо да Винчи мусаввир учун "Муқадас бурч" асарида ёzádi: "Рассомлик нигоҳининг барча ўн аломати, айнан зулмат ва ёруғлик, ранг ва фактура, шакл ва рағбат, узоқлашув ва яқинлашув, ҳаракат ва ҳаракатсизлик билан боғланган". Бу қоидаларга кинооператор ҳам бўйсунади".[9.4.6.] деб ёзган эди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таникли кинооператор, устозим Хотам Файзиев. Кинокадрнинг яна бир муҳим хусусияти кадрнинг давомийлигидир. Бу жиҳат билан тасвирий санъат ва фотографиядан тубдан фарқ қиласди. Кино ва телекадрда воқеани кетма-кетликда очиб, кўз олдимиизда композиция ўзгариб, визуаль маълумот берилади, томошабин бўлаётган воқеанинг моҳиятини кетма-кетликда тушуниб олади. Фотографияда ҳамма нарса бир лаҳзада мужассам бўлиши керак. Бу жиҳати билан фото композицияси кинокадр композициясидан фарқланади.

Кино кадрда ҳаракат баъзида тезлашади, баъзида секинлашади, маълум суръатда ривожланади, кино кадр ўз вақт ва ритмига эга. Кадр композициясида узундан-узоқ намойиш этиладиган кадр учун алоҳида, гоҳида бир сония давом этадиган кадр учун эса, бошқа композиция керак бўлади. Кўп ҳолларда фильм динамикасида жуда тез содир бўлаётган воқеанинг маъносини аниқ ифодаловчи нисбатан оддийроқ композиция керак бўлади. Томошабинга энг муҳим нарсани кўрсатиш, зарур бўлмаган, чалғитувчи нарсани кадрдан олиб ташлаш керак. Бундан ташқари, ҳозирги кунда фильмлар овозли экани кадр ҳаётийлигини таъминлаб, фильмнинг ўзига хос драматургиясини очиб беришга хизмат қиласди.

Кадр композицияси фильмнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб тузилади. Фильмнинг умумий тузилишида кадрнинг композицион тузилиши жуда муҳим. Кадрнинг композицион ечими драматургия ечими, режиссёр томонидан топилган фильмнинг стилистик ечими ва монтажнинг қонунятлари билан боғлиқ.

Кадр композицияси кенг маъноли тушунча. Тасвирий санъатда композиция ва перспектива фанлари алоҳида ўрганилади, экран санъатида эса композиция фанида тушунтирилади.

Кадр композицияси яхлитлик, контрастларнинг мавжудлиги, кадрда янгилик бўлиши, маълум бир ғояга бўйсуниши, кадрнинг тузилиши, симметрия, асимметрия, мувозанатли, мувозанатсиз, композицион марказ, перспектива қоидалари, ритм, чизиқлар, шакл, нур ва соя, ранглар, тон, рангли доғларнинг бўлиши каби кўплаб жиҳатларни ўзида жамлайди. "Композиция томошабиннинг дикқатини асосий объектга жалб қилиш ва обьектга маъно-мазмун бериш учун қурилади".[10.88.6.]

Кадр композициянинг асосий қонулари: яхлитлик қонуни, контрастлар қонуни, типиклик (янгилик яратиш) қонуни, кадр композициянинг барча воситаларини бир ғояга бўйсуниши қонуни.

**Яхлитлик қонуни.** Бу қонун композиция тушунчасини шакллантиради. Ҳар бир бадиий асарнинг қонунан тузилганлигини, яхлитлигини композиция аниқлаб беради. Композициянинг барча унсурлари тасвирчининг мантиқий ўй-фикрларини бирлаштирган ҳолда жойлашади. Кадрни кузатар эканмиз, аввало унинг умумий кўринишига эътибор берамиз ва алоҳида қисмларни бир-бирига таққослаймиз. Кадрнинг бир бутунлиги, яъни яхлитлиги композицияни ташкил этадиган барча қисмларининг ўзаро боғлиқлигидир. Буюмларнинг уйғунлиги ўзида кадр композициясининг барча хусусиятларини мужассамлаштиради. Кадр композициясининг яхлитлиги, буюмларнинг бир-бирига боғлиқлиги, композиция воситаларининг уйғунлиги яхлитликни таъминлайди. Бу қонунга кўра, тасвирдан ҳар қандай буюмни ёки бадиий воситани олиб ташлаш ёки унинг ўрнига бошқа элементни алмаштириш композицияни ғоявий бузилишига олиб келади. Бу қонун барча бадиий воситалар ва буюмларни бир яхлит бирлаштирувчи кўриниш хосил қиласди. Шунга кўра, санъат асари яхлит, бир бутун, бўлинмас деб идрок этилади. Мазкур қонуннинг моҳиятини унинг асосий белгилари ва хусусиятларини тахлил қилиш билан очиб бериш мумкин. Яхлитлик қонунининг асосий белгиси - композициянинг бўлинмаслиги (бир бутунлиги) алоҳида бўлаклардан иборат бўлсада, ҳеч қачон бир неча деб идрок этилмаслиги тушунилади. Яхлитлик композицияда ижодкорлар томонидан топилган бўлгуси фильмнинг барча воситаларини бир бутун, яхлитликка бирлаштира оловчи конструктив ғоя орқали ўз ўрнини топади. У тасвирнинг барча воситалари ва қисмларини ягона ғоявий мазмунга бўйсунишини талаб этади. Акс ҳолда композиция алоҳида қисмларга бўлиниб кўринади. Агар битта мазмунли композицион марказ ўрнига икки ёки ундан ортиқ мустақил марказ бўлса, гарчи алоҳида деталлар тўғри тасвирлансанса ҳам асар яхлит бўла олмайди. Кадр композицияси яхлитлик қонуни мукаммалдир. Кадрга бирор нарса қўшилса томошабинни чалғитади. Бирор нарса олиб ташланса, бидий жиҳатдан путур етиб, мавзу тўлиқ очилмайди ва томошабинга зарур ҳиссиятни бера олмайди. Яхлитлик қонуни мукаммалликни талаб қиласди.

**Контрастлар қонуни.** Ҳаёт ва табиатда қарама-қаршилик мавжуд. Буюмларнинг таркиби, сифати, тузилишидаги кескин фарқланишни қарама-қаршилик муносабатлари деб тушунилади. Мисол учун; иссиқ - совуқ, ёруғ - қоронғи, ранг контрастлари; оқ- қора, қизил - мовий, тонал контрастлар; оч - тўқ, шакл контрастлари; ингичка - йўғон, ўлчамдаги контрастлар; катта - кичик каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Экран санъатда, контрастлар композиция қонуни сифатида намоён бўлади ва улар ҳар доим ҳам ифодавий восита ҳисобланиб, кадрнинг тузилиши ва қурилиши, кадр композициясида жуда муҳим. Қарама-қарши муносабатлар композициянинг таъсир кучини янада кучайтиради. Қаҳрамонларнинг хис-туйғуларини очиб беришда, юқори кайфият - ғамгинлик, тинчлик-руш, ботир - қўрқоқ, кучли-нимжон, олийжаноб-пасткаш каби инсоний хислатларини

кўрсатишда контрастлар қонуни жуда қўл келади. Шакл, ҳолат, рангларни кескин қарама-қарши қўйиш асар мазмун-моҳияти, қаҳрамоннинг хис-туйғуларини тўлиқ англаш имконини беради.

**Типиклик қонуни (янгилик яратиш):** Ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, бадий образ яратиш билан боғлиқ бўлган аҳамиятли қонунлардан яна бири типикликдир. Борлиқнинг кўринишиларини айнан ўзича таҳлил қилиш билан тасвирчи унинг моҳиятини кўрсатиб беради, аниқ бадий образлар кўринишида табиий белгиларини акс эттиради. Қаҳрамоннинг характеристидаги ва воқеа бўлиб ўтаётган вазиятдаги ўзига хослик мазкур қонуннинг асосий жиҳатларидан биридир. Фильмни яратиш жараёнида ижодкор композиция қонунларини билгани ҳолда фильм қаҳрамонининг шахсини ривожлантиради, умумлаштиради ва типиклаштиради, ўзгача хислатларини топади, натижада бадий образлар таъсиричанлиги ва ифодавийлигини етук даражага олиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, ўз характеристига эга қаҳрамон яратилади. Бундан ташқари, фақат бир кишининг эмас, умумлашган йиғма образ сифатида гурух ёки замон руҳияти ифодаланади.

Типиклик қонунининг яна бир белгиси унинг янгиликдир. Бадий образ яратиша эстетик сифатларни намоён қилиши ва композицион ечимда янгилик яратиши зарур. Типиклик қонуни экран санъатида янги образ яратиша жуда муҳим саналади. Типиклик қонуни экран асарининг ўзига хослигини ва бетакрорлигини таъминлайди.

Кадр композициянинг барча воситаларини бир ғояга бўйсуниши қонуни. Бу қонун тасвирчига яхлит идрок этиладиган, маъноли, юксак ғоявий мазмунли кадр яратиш мажбуриятини юклайди. Яъни, ундан тасвирнинг барча буюм ва қисмларини шаклларда ифодаланган қуруқ схема асосида эмас, балки шакл, чизиқлар, нур-соя, ранг каби бадий воситалар ғоявий мазмун асосига курилган кадр композициясини тузишни талаб этилади. Тасвирчি кадр устида ишлар экан, кадр композицияси орқали ўзининг диққатини тортадиган нарсани тасвирга олади, унга ўзининг муносабатини билдиради, кадрда, бадий, маънавий ва эстетик қарашларини акс эттиради. Шундай қилиб, тасвирчи нимани, қандай нарсани, қаерда тасвирламасин, у ғоявий мазмун билан тўлдирилган бадий тасвирни намойиш қилиши керак. Кадр композициянинг барча воситаларини бир ғояга бўйсуниши қонуни экран санъатида ғояни тўғри очиб беришга хизмат қиласди.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар асосида кадр композицияси яратилади. Кадрни тузиш авваломбор кадрга буюмларни жойлаштиришдан бошланади. Тасвирчи кадрга ҳаётнинг ёки содир бўлаётган воқеанинг бир қисмини жойлайди, кадрда асосий воқеа ва шу ҳолатга алоқадор нарсалар кўриниши керак. Ортиқча кўриниш ва буюмлар кадрдан олиб ташланади. Воқеа мазмунини кўрсатиб, томошабинга тасвирни тўғри англашга шароит яратиши керак.

Кадр композициянинг элементлари, усул ва бадий воситалари кадр тасвирий маъно-мазмунини ташкил этади, композицияни қуришда катта ёрдам беради. Кадрнинг пластик ечимини ишлаб чиқади. Композициянинг элементлари: симметрия, асимметрия, мувозанатли ва мувозанатсиз, маъно-мазмунли композицион марказ, ёпик композиция, очиқ композиция, асосий план, иккинчи ва кейинги планларда кўрсатишдан иборат.

Кадрдаги симметрия: тасвирдаги мутаносиблик, буюмларнинг визуаль вазни, уларнинг жойлашуви, ҳажмлар, ёруғлик-соялар нисбати ва бошқаларни ўз ичига олган композиция қисмларининг ҳамма тарафлар тенглидир.

Кадрдаги асимметрия: композицияда мутаносибликнинг йўқлигидир.

Симметрия ва асимметрия тасвирий санъат, фотография ва экран санъатининг тамал тошидир. Уларни яратиш қонуниятларини билмай туриб, тасвир композиция тузиш санъатини мукаммал эгаллаш ва ўз ғоясини амалга ошираиш имконсиз. Симметрия ва асимметрия қонуни, визуаль уйғунликни тамиnlайди.


Кадрдаги мувозанат: томошабин кадрни тўғри идрок қилиши учун кадр мувозанатли бўлиши керак. Кадрдаги мувозанат тасвирдаги қаҳрамонлар ва буюмларнинг жойлашувига, ҳажмнинг катта-кичиклиги, нур-соя жойлашиши, шаклнинг кўриниши, ёрқин ва хира ранглар, ранглар контрасти, уларнинг оғир-енгиллигига нисбатан аниқланади.

Мувозанатли кадр кўриниш жиҳатидан ҳамма тарафлари тенг ҳаракатсиз таассурот уйғотади. Тасвир мувозанатли бўлса, тинч, сокин, ҳаракатсиз, хотиржамлик каби эмоционал холатни англатади. Мувозанатли кадрни томошабин тезроқ ва осонроқ қабул қиласи. Бу қаҳрамоннинг руҳий хотиржамлигини, осуда ҳаётни, ҳаракатсиз ва сокин вазиятларни кўрсатишида жуда қўл келади.


Кадрдаги мувозанатсизлик: мувозанатсиз кадр тузилиши жиҳатидан мувозанатли кадрнинг тескари кўринишидир. Мувозанатсиз кадр композицияда буюмлар мувозанатсизлиги, тарқоқ жойлашуви ёки бутунлай ажralиб кўринишидир. Кадрдаги мувозанатсизлик ҳам тасвирдаги қаҳрамон ва буюмларнинг жойлашувига, хажмнинг катта-кичикилиги, нур-соя жойлашиши, шаклнинг кўриниши, ёрқин ва хира ранглар, рангларнинг контрасти, рангларнинг оғир-енгиллигига нисбатан аниқланади. Кадрдаги мувозанатсизликни қўшимча ранг доғлари, нур - соя ёки осмондаги булатлар билан тўғирлаш мумкин. Бу фильмдаги воқеа мазмуни билан боғлиқ, тинч холатга алоқадор воқеа бўлса мувозанатлаш керак, нотинч холат бўлса мувозанатсиз қолдириш мумкин. Мувозанатсиз кадр қаҳрамоннинг руҳий исёни, нотинч вазиятлар ва комедия жанридаги кулгили вазиятларни яратишида жуда самарали натижа беради. Томошабинда тартибсизлик, безовталик ҳиссини уйғотади. Мувозанатсиз кадр қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини кўрсатиб беришнинг самарали услубидир. Кадрдаги мувозанатсизлик тартибсизлик, нотинчлик ва ҳаракатли холатни англатади. Кадр мувозанатсиз бўлса, қайси тарафда каттароқ, кўпроқ буюм, кучли ранглар жойлашган бўлса оғир кўринади ва шу тарафга оғаётгандай ёки ҳаракатланаётгандай ҳиссиёт уйғатади. "Агар дискни квадратнинг турли жойларига навбатма-навбат жойлаштиrsак, баъзи ҳолларда у барқарор кўриниши, бошқа ҳолларда эса маълум йўналишда тортиш белгиларини намоён қилиши аниқланди. Баъзида унинг ҳолати ноаниқ ва тебранувчан бўлиши мумкин".[11.25.6.] Кинотелетасвирчи кадрдаги мувозанатни ўлчаши ва таҳлил қила билиши шарт. Бу қобилият тасвирчи учун жуда зарур. Негаки, тасвирнинг мувозанатни ўлчайдиган асбоб йўқ, уни фақат ҳис қила билиш керак.

Кадрдаги ҳар қандай буюмнинг визуваль оғирлиги томошабинг яққол кўринадига даражада бўлиши керак, яъни визуваль оғирлик объектнинг ҳажм катталиги, кучли ранг доғлари, кучли ранг контрасти ёки ёруғлик контрасти билан кескин фарқ қилиб, томошабин дикқатини тортиши керак. Шундагина томошабиннинг эътибор марказида бўлади. Композициядаги визуваль оғирлик маркази тасвирнинг композицион маркази ҳисобланади. Бу томошабиннинг дикқатини беихтиёр ўзига жалб қиладиган композиция элементи, сюжет маркази, фильмнинг маъно-мазмун марказидир. Кадрнинг композицион маркази ва сюжет марказлари одатда бир-бирига монанд бўлади. "Маълум бўлишича, элементнинг визуваль вазни унинг кадрдаги жойлашувига ҳам боғлиқ. Агар элемент марказда жойлашган бўлса, у кўпроқ визуваль оғирликка эга бўлади. Юқорида жойлашган деталь пастдаги ўзига ўхшаш деталдан кўра оғирроқ кўринади. Ўнг томонда жойлашган элемент чап томонда жойлашгандагига қараганда оғирроқ кўринади. Шу сабабли, тасвирларнинг кўзгудаги акслари кўпинча композицион мувозанатни йўқотади ва буни рациональ равища тушунтириб бўлмайди". [12.130.6.]

Композицион марказ қандай хосил қилинади? Кадрга қарашингиз билан кўзга яққол кўринадиган, қаҳрамон, буюм, нур, ранг ёки ёруғлик доғлари орқали доминант тасвир хосил қилинади. Томошабин бир қарашда асосий нарсани кўриши, ўзига жалб этиши ва жазибадор бўлиши керак. Фоявий мазмунни, энг асосийини ургулав ва аниқ ифода этиб берувчи кадрнинг маълум бир қисми маъно-мазмунли композицион марказ деб аталади. Композицион марказ кадрнинг геометрик маркази ҳамдир. Экран ижодкорлари ҳам тасвирий санъатдаги "олтин кесим" қоидасини асос қилиб олишган. Кино ва телевидениеда ҳаракатли бўлгани учун нисбатан оддийроқ "уч ўлчамли қоидаси"дан унумли фойдаланадилар. Уч ўлчамли қоидаси ҳам олтин кесим қоидаси асосида яратилган. Кадр форматларини олтин кесимнинг 1.618 рақамига наслбатан улчайдиган бўлсак, кадр форматлари бу ўлчовга анча яқин.



1-расм. Уч ўлчамли қоидаси.



2-расм. Уч ўлчамли қоидаси ва олтин кесим.

Уч ўлчамли қоидасида чизиқлар бирлашган нүкта, инсоннинг диққатини кўпроқ тортувчи нүқталар саналади. "Шундай қилиб, марказдаги тўртта асосий чизиқларнинг кесишув нүктаси бўлиб чиқади. Бу чизиқларда жойлашган бошқа нүқталар марказга қараганда энергияли ва кучлироқ, аммо бошқалари ҳам таъсир кучига эга". [13.27.6.]

Хозирги кунда маъно-мазмунли композицион марказ айнан геометрик марказда бўлиши жуда кам ҳолларда учрайди. Бундай ҳолатни классик тасвирий санъат асарлари ва классик фильмларда учратиш мумкин. Композицион марказни айнан марказда жойлаштирумасдан ҳам кадр тузиш мумкин. Уч ўлчам қоидасидаги чизиқларнинг бирлашган нүктасига тасвирни жойлаштириш жуда яхши самара беради. Бундан ташқари, кадрнинг ўнг ёки чап тарафга ёки бурчакларга жойлаштириб, марказга йўлналтирувчи чизиқлар ёки нурларни марказга йўналтириб ташкил қилиш ҳам композицияни бойитади. Бундай композиция марказни чизиқлар ва нурлар орқали мувозанатлади. Шунингдек асосий жисмни фондан ажратиб олиш ҳам тасвирдаги доминантликни таъминлайди. Фокус билан ажратиб олиш, тутун, ёруғлик, соя, фаол чизиқлар, жисмлар контрасти, ранг контрасти ва кадрдаги иирик план билан ҳам асосий тасвирни яққол, ажратиб кўрсатиш мумкин. Кадр композициясида марказнинг йўклиги мувозанатсиз ҳолатга ўхшайди, томошабинда оғаётгандай таассурот уйғотади. Бундан ташқари, томошабин нимани кўрсатаётганингизни тушунмайди. Кадр композиция маркази мантиқий ўйланган, ҳамма нарса уйғун ва аниқ тушунарли бўлиши керак. Шундагина мазмундор, мафтункор ҳамда яхлит композиция яратилади.

**Ёпиқ композиция:** кадр ичидағи қаҳрамонлар ва буюмларда ташқи муҳит билан боғловчи воситалар ва аломатлар бўлмайди. Кадрда бор нарсалардан ташқари ҳеч нарса кадрга киритилмайди. Ёпиқ композицияда кадр ичидағи обьектлар бир-бири билан боғланади. Кадрдаги бор қаҳрамонлар ва буюмлар билан мазмун очиб берилади. Воқеа кадр ичидағи бор нарсалар билан бошланади ва яқунланади. Кўшимча қўшиладиган бўлса, албатта шу кадр ичидан изланади. Бунда қаҳрамоннинг ҳаракатлари ва мулоқотини ҳар хил планларда кўрсатиш мумкин. Ёпиқ композицияли тасвирга олишга шундай талаблар кўйилади.

**Очиқ композиция:** бунда бирор деталь, кўринувчи ёки кўринмас чизиқлар, рангли ва нур кадрни ташқи олам билан боғлайди. Очиқ композиция воқеанинг қаерда бўлаётганни кўрсатади. Кадрдан ташқарига йўналтирилган воситалар билан кейинги кадр воқеаларни ўзаро боғлайди. Бунда кадрдан ташқаридаги воқеа-ходиса, инсонлар, буюмлар, асосий воқеа билан боғлиқликда кўрсатилади. Очиқ композиция сюжетни ривожлантиради, муаллиф, воқеанинг сабаб ва оқибатини беркитиб, томошабин учун янги вазият ва янги тасвирий маълумотларни яратиб, асосий мақсадга олиб боради. Баъзи ҳолатларда ташқи буюм детали кўрсатилиб, шунинг ўзи ҳолатни очиб берса, кейинги кадрда умуман бошқа воқеа намойиш қилинади. Очиқ композиция кейинги кадр воситалари билан боғлаб, томошабинни кейинги кадрни кўришга ундейди.

**Кадр композиция воситалари:** кадр планлари, тасвирга олиш нүктаси, ракурс, ритм, перспектива қоидалари, шакл, чизиқлар, нур-соја, ранг воситалардан иборат.

Кадр планлари экран санъатида бадиий ифода воситаларидан бири. Бу айниқса монтаж жараёнида жуда мухим. Экран санъати кадрлар йиғиндисидан иборат бўлгани учун планларнинг ҳажми (масштаб) жуда аҳамиятли. Планларнинг кетма-кетлиги бир-биридан фарқ қилиши керак, кадрдан кадрга ўтиш силлиқ ва фарқли бўлиши керак. Бу жиҳат ҳам инсоннинг визуал идрок этиши билан боғлиқ. Томошабин фильмдаги бир кадрдан иккинчи кадрга ўтишни, ўзаро бир-биридан фарқини кадр композицияси, план ҳажми билан осон ва енгил қабул қиласди. Содир бўлаётган воқеанинг асосий қисми йирик планда кўрсатилиб, асосий воқеага ургу берилади. Томошабин эътиборини тортиб, воқеанинг мазмун-моҳияти кўрсатилиди. Айнан мана шу жиҳатларни инобатга олган холда тасвирга олишда монтаж жараёнини эътиборга олиш шарт. Экран санъатида планлар экраннинг асосий қаҳрамони - инсонга нисбатан аниқланади. "План ҳажми кадрдаги инсонга нисбатан белгиланади. Бунда кадрда инсон акс этган бўлиши шарт эмас, план катталигини белгилашда шу кадрда инсон қанчалик катталиқда акс этиши ёки унинг қайси қисми шу кадрга сифишини тасаввур қилиб кўришнинг ўзи кифоя". [14.33.6]. Ҳар бир планнинг ўз вазифаси ва мақсади бор.

Деталь: бу қаҳрамоннинг ўзи ва унинг яшаш мухитидаги бирор буюм орқали қаҳрамоннинг руҳий холатини очиб бериш. Бу қаҳрамоннинг кўзи ёки қўл ҳаракати, майший буюмлар, қаҳрамонни ўраб турган мухит бўлиши мумкин. Баъзида бу буюмлар қаҳрамоннинг рамзий образини ифодалаб, фильмнинг драматургик тўқимасида ҳам мухим роль ўйнайди. Масалан, детектив фильмлардаги қотиллик куроли. Деталь фильм эпизодидаги асосий детални ургулаб, мавзуни аниқ кўрсатиб беришга хизмат қиласди.

Йирик план: қаҳрамоннинг юзида акс этган новербал мулоқотни аниқ кўрсатиб, юз мимикаси, кўз қарашлари, имо-ишораларни кўрсатиб, қаҳрамоннинг ички ҳиссиятларини ёқол намоён бўлишини таъминлади. Йирик пландан томошабинга кучли таъсир ўтказувчи воситаси сифатида жуда кўплаб фильмларда унумли фойдаланилади.

Ўрта биринчи план: томошабинга қаҳрамоннинг юз ифодаси, ҳаракатлари ва атроф-мухитни қисман кўрсатиб беришдан иборат. Ўрта план томошабинга қаҳрамоннинг ижтимоий холати, ташқи кўриниши, хулқ-атвори, унинг руҳий холати ҳақидаги маълумотларни етказиб беради.

Ўрта иккинчи план: йирик план ва ўрта биринчи планларга нисбатан қаҳрамоннинг юз ифодаси камроқ акс этади, ҳаракатлари ва атроф-мухитни кўпроқ қамраб олишдан иборат. Ўрта иккинчи планда кичик гуруҳли инсонлар композицияларда ҳам кўлланилади. Ўрта план томошабинга қаҳрамоннинг ижтимоий холати, ташқи кўриниши, хулқ-атвори, юриш-туриши, унинг руҳий холати ва мухит ҳақидаги маълумотларни етказиб беради.

Умумий план: қаҳрамоннинг қадди қомати тўлиқ кўриниб, ҳаракати, ҳаракат тезлиги ва йўналиши, ҳаракат содир бўлаётган жой, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида тўлиқроқ маълумот беради. Бундан ташқари, воқеанинг умумий хусусиятларини акс эттиради.

Узоқ умумий план: эпизод содир бўлаётган мухит, замон ва маконни кўрсатиб беради. Қаҳрамоннинг яшаш шароити, шахар, қишлоқ, кўча, дала, қир-адир, кўл, чўл, тоғ, йил фаслларини, куннинг вақтларини, табиат ходисалари, ҳаво очиқ ёки булутли каби умумий маълумотларни кўрсатиб беради. Узоқ умумий пландаги қаҳрамон томошабиннинг эътиборидан четда қолиши ҳам мумкин.

Кадр планларининг ҳажми томошабинга кучли таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Буни кинонинг илк қадами, aka-ука Люмъерларнинг поезднинг вокзалга келиш лавҳаси яқол исботлаб берган. Композиция тузищда кадр планларининг тўғри ишлатилиши кадрнинг бадиий ифода таъсирини янада кучайтиради.

Тасвирга олиш нуқтасини белгилаш:

- 1) Тасвирга олиш нуқтасидан обьектигача бўлган масофага нисбатан.
- 2) Камеранинг горизонтал бўйича жойлашуви, обьектга нисбатан олдинда, ўнгда ёки чапда.
- 3) Камеранинг вертикал бўйича жойлашуви, ўрта ракурс, юқори ракурс ёки паст ракурсларда тасвирга олиш нуқтасини белгилаб олади.

Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, тасвирга олиш нұқтаси аниқлаб олинади. Тасвирга олиш нұқтаси, авваломбор фильм драматургияси услугуга ва режиссёр услугуга монанд танланиши керак. Шундагина барча ижодкорларнинг услугубий бирлиги хосил бўлади. Бир мақсад томон ҳаракатланади. Профессиональ тасвирчи сценарийни яхши ўрганиб, режиссёрнинг ғоясини тўлиқ тушуниб, ундан кейин тасвирга олиш нұқтасини танлайди. Тасвирга олиш нұқтаси, кадрнинг кўринишида масофа катта рол ўйнайди. Қаҳрамон яқин масофада тасвирга олинса, орқа фонда кўп нарсалар кўринади, узоқ масофада орқа фон қисқариб, камроқ нарсалар кўринади. Тасвирга олишнинг горизонтал нұқталарида қаҳрамон олд томондан тасвирга олинса, орқа фон тўғри кўринади. Камерани ўнг ёки чап томонга суриш билан орқа фондаги мавзуга алоқадор буюмни киритиш ёки олиб ташлаш мумкин бўлади. Тасвирга олиш нұқтасини танлашдаги хато фильм драматургиясини нотўғри талқин қиласди. Бундан ташқари, монтаждаги боғланишини йўқотади. Бу перспективани тўғри кўрсатиб беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Ракурс:** тасвирга олиш нұқтасига боғлиқ. Инсон тик турган холидаги кўриш нұқтаси ўрта ракурс, шундан юқорида тасвирга олинса юқори ракурс, шундан паст нұқтадан тасвирга олинса, пастки ракурс саналади. Юқори ракурс қаҳрамонни ерга босади, кичкина, камситилгандек кўрсатади. Пастки ракурс қаҳрамонни юқорига кўтаради, катта ва улуғвор кўрсатади. Ракурс тасвирчининг кучли иш воситасидир. Тасвирга олишда горизонтал ва вертикал нұқталарини тўғри танлаш муҳим. Нотўғри танланган тасвирга олиш нұқтаси перспективани ва тасвирнинг маъно-мазмунини ўзгартириб юборади. Ноодатий тасвирга олиш нұқтаси кадрнинг бадиий ифодавийлигини кучайтиради. Тасвирга олиш нұқтасини ҳар доим режиссёр ва тасвирчи мукаммал ўйлаб тасвирга олиши керак, акс ҳолда кадр кўриниши ва томошабинга эмоционал таъсири нотўғри талқин қилинади.

**Ритм:** экран санъатида кадр композициясининг қонун-қоидаси сифатида ўзининг хусусиятларига кўра, кенг ҳаракат диапазонига эга. Ритм бу қандайдир элементларни маълум бир кетма-кетликда жойлашиши, муайян вақтда ва маконда тақрорланишидир. Ритм кадр композициясининг ташкилий ва эстетик хусусиятларини таъминлайди. У композиция қонунларига асосланади, буюм, чизик, ранг, нур-соя, тон контрастларида ифодасини топади. Буюм ва чизикларнинг бир маромда жойлашиши, ранг доғларининг тақрорланиши ёки ранг тонларининг бир маромда тақрорланиши, кадрдаги ритмнинг муваффақиятини таъминлайди. Муваффақиятли ритм кадрдаги барча жиҳатларини боғловчи воситага айланади ва уларни бирлаштиради. Кадр композициясида маълум бир буюм ёки воситаларни тақрорланиши томошабинда мазмун ва давомийликни теран тасаввур қилишга, ҳис қилишига сабабчи бўлади. Ритмнинг бу хусусияти кадр композициясининг ҳаётийлигини аниқлаб беради. Кадрда ташки ҳаракатларни кўрсатиш билан чегараланиб қолмай, ички ҳаракатларни ҳам кўрсатиб беради. Ритм тасвирдаги ҳаракатни берувчи воситалардан биридир. Мисол учун, сув юзасидаги тўлқинлар, осмондаги бир-бирини тақрорловчи булутлар ёки ловиллаб ёнаётган олов. Айниқса, ҳаракатдаги ритм томошабинга жуда кучли таъсир кўрсатади. Буни аскарларнинг қадам ташлашда ёки раққосаларнинг рақсидаги мусиқа билан ҳамоханг ритмик ҳаракатларда кўришимиз мумкин. Кинотелетасвирчи мусиқани билиши ва ҳис қилиши керак. Тасвирга олиш жараёнида мусиқий ритмни аниқ ҳис қилиш ва камера ҳаракати ритми бир-бирига мос бўлиши керак. Тасвирдаги ритмик жойлашувда мураккаб боғламли нур-соялар ранг ўйғунлигини пайдо қиласди. Кадр композициясида нур ва соя эффиқти асосий рол ўйнасада, ритмнинг аҳамиятини камайтирумайди. Аксинча, у кадрнинг руҳий таъсирини кучайтиради ва томошабинга маълум буюм ва воқеаларнинг янгича қирраларини очиб беради.

Экран санъати усталарининг муҳим вазифаларидан бири - уч ўлчамли оламни икки ўлчамли экранга жойлаштиришдир. Тасвирчи икки ўлчамли экранда уч ўлчамли дунёнинг кенглиги, чуқурлиги, яқин-узоқлигини томошабинга намойиш қиласди. Экранда уч ўлчамли оламни кўрсатиб бериш учун тасвирчининг кўлида бир қатор воситалар бор. Булар перспектива қоидалари ва пластика, кадрдаги ҳаракатлар саналади. Бу воситалар фильмнинг ҳаётийлигини ва маъноли бўлишини таъминлаб, композицияни янада бойтади.

Перспектива қоидалари: чизиқли перспектива, ҳаво перспективаси, ранг перспективаси, оптик перспектива, динамик перспективалардан иборат.

Чизиқли перспектива қоидаси: перспектива қонунларининг барчаси инсоннинг визуаль идрок этиши билан боғлиқ. Сиз ёнингизда турган ҳамроҳингиз билан хайрлашдингиз, уни кўздан фойиб бўлгунча кузатиб туриңг, сиздан узоқлашган сари кичик кўринади, кўриниш қисилиб боради, масофа узоқлашган сари кичкиналашаверади ва йўқолиб кетади. Дўстингиз йўқолиб қолгани йўқ, у факат сиздан узоқлашди. Яъни оралиқ масофа қанча катта бўлса шунча кичик кўринади. Буюмлар кўздан узоқлашгани сайин ўлчамлари кичрайиб, қисқариб, кичкина, охирида бир нуқта бўлиб, йўқолиб кетади. Бу параллел чизиқларнинг яқиндаги буюмлар катта кўриниши ва узоқлашгани сайин кичрайиши перспективанинг асосий қонунидир. Буни темир йўл рельслари, электр устунларида яққол кўришимиз мумкин. Ҳамма ўлчамлар бир хил, лекин биздан узоқлашгани сайин кичрайиб, қисқариб боришини аниқ кўрамиз. Чизиқли перспектива қоидасини бузмасдан сеъёмка қилиш учун тасвирчи оптикани тўғри танлаши ва тасвирга олиш нуқтасини аниқ белгилаши керак. Оптика нотўғри танланса, масофа ноаниқ ёки чизиқлар эгри бўлиб томошабинга масофа тушунарсиз бўлиб қолади. Тасвирга олиш нуқтаси нотўғри танланса, чизиқли перспектива кўринмаслиги сабабли масофа сезилмай қолади, томошабинга тушунарсиз холат юзага келади. Бугунги кунда оптика билан маконнинг турли бурчакларини қамраб олишда кенг танлов имкони мавжуд. Кадрдаги перспективани таъсирили тарзда етказиб беришда оптикандан ижодий восита сифатида фойдаланиш яхши самара беради. Таъсиричан кадр композицияси чизиқли перспективани яратиш учун бу жиҳатлар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаво перспективаси (тоналъ): табиат ходисаси бўлиб, йил фасллари, ҳаводаги намлик, чанг ёки тутун заррачалари таъсирида ҳавонинг шаффофлиги сусайди. Бунга жазирама ёз кунларида қизиган ердан, қумдан, иссиқ асфальтдан, иссиқ сув, тошдан кўтарилиганинг ҳаво оқимлари ҳам сабаб бўлади. Ҳавода қанчалик қалин зарралар кўп бўлса, шунчалик тиниқлик йўқолиб, кўриниш сусайиб боради. Объект биздан узоқлашгани сари кўриниши сусайиб, буюмлар чеккалари ўз шаклини йўқотади. Объектгача бўлган масофага ва ҳавонинг зичлигига қараб, ёруғлик ва ранг тонлари ҳам ўзгаради. Шунинг учун бу турдаги перспективани кўпинча тонал перспективаси деб ҳам аташади. Кадрда туманли ҳаво бўлса, олдинги планда буюмлар кўриниши сустроқ, масофа узоқлашгани сари буюмларнинг кўриниши, чекка шакли йўқолиб, тон, контраст, тўйинганлик камайиб боради, иккинчи ва учинчи планда янада юмшоқроқ хира-шира кўринади. Масофа узоқлашгани сари буюмларнинг кўриниши ҳавога сингиб кўринмай қолади. Ҳаводаги туманнинг қалинлигини аниқлашда ёруғлик ёрдам беради. Кечаси туман тушиб, эрталаб күёш чиқса, күёш нурлари ерга тушмаётгандай туюлади, негаки ҳаводаги нам зарраларга урилиб синади ва тарқоқ нур ҳар тарафга йўналиб кетади. Натижада ерга тарқоқ нурлар тушади, соя бўлмайди, бу эса күёш нури ерга тушмаётгандай таассурот уйғотади. Тасвирчи ҳаво перспективасини яратиш учун табиат ходисалари ёрдамида ва тасвирга олиш майдонида сунъий тутунлардан фойдаланади. Ҳаво перспективаси томошабинга масофани аниқлаб, муҳитни ҳис қилишига катта ёрдам беради.

Ранг перспективаси: табиатдаги барча нарсалар биздан узоқлашгани сари ўз рангини ўзгартириши боради. Бир хил ранг, тон ва тўйинган рангдори буюмлар бизга яқин жойлашгани рангдор ва ёрқин кўринади. Биздан узоқлашгани сари рангини, тонини ва тўйинганлигин йўқотиб боради. Бу бевосита ёруғлик билан боғлиқ. Ёруғлик етарли жойда, узоқлашгани сари ранг оқариб, оч ранг бўлиб кўринади. Бир хиллик узоқ давом қилса, рангдорлик камайиб, оқ рангга яқинлашиб бораверади. Ёруғлик кам жойларда узоқлашгани сари ранглар қорамтири тус ола бошлайди, бир хиллик узоқ давом қилса, кулрангсимон қора рангда бўлиб қолади. Буни кенг даладаги буғдойзор, дараҳтлар ёки майсазорлар мисолида кўриш мумкин. Яхшилаб эътибор берсангиз, аслида ҳаммаси бир хил яшил рангда, тузи, тўйинганлиги бир хил буғдойларнинг ранглари биз турган масофага қараб турлича кўринади. Энг узоқ масофадагилари кулрангсимон, ҳаворангсимон тус олгандай кўринади.

Ранг перспективаси томошабинда ҳаётийликни таъминлаб, масофани ҳис қилиш имконини яратиб беради.

Оптик перспектива: инсон кўзидағи аккомодация жараёни туфайли кўз турли масофадаги нарсаларни очик-равшан кўришга мослашиб, буюмларни аниқ-тиниқ кўради. Экран санъатида бу жараён тасвирчи томонидан оптика орқали амалга оширилади. Одатда кадрдаги асосий объектга фокус тўғирланади ва аниқ-тиниқ кўринади. Кадрдаги иккинчи даражали объектлар камроқ тиниқликка эга бўлади. Катта фокусли объектив билан тасвирга олинса умуман хира доғлар шаклидаги ноаниқ фон пайдо бўлади. Бу оптик перспективадир. Табиийки, катта фокусли объектив билан олинган кадрда орқа фон, ноаниқ фон қаҳрамонни фондан ажратиб олиб, доминант тасвир хосил қиласди. Юз мимикаларини аниқ кўришга имкон беради. Лекин воқеа содир бўлаётган муҳитни йўқотади.


Динамик перспектива: ҳаракатли тасвирга олиш жараёнида фонда хосил бўладиган ҳаракатли, доимий равишда ўзгарувчан тасвир. Камеранинг панорамасида юриб тасвирга олганда ёки транспортда, рельс, рунин, дрон каби тасвирга олиш жиҳозлари билан тасвирга олганда горизонталь ҳаракатли динамик перспектива пайдо бўлади. Тасвирга олиш крани ёки дрон билан тасвирга олганда вертикал динамик перспектива пайдо бўлади. Кўплаб кадрлар ҳаракатсиз бошланиб, ҳакатланади ва бирор жойга бориб тўхтайди. Бундай холатда динамик перспективада янги сифат пайдо бўлади. Томошабин воқеани турли маконда кўриш имкониятига эга бўлади. Динамик перспектива ҳаракат эфекти ва иллюзиясини яратади ва томошабинга ҳаракатнинг тезлиги ҳақида маълумот беради.

Шакл: бизни ўраб турган уч ўлчамли оламни ва инсоннинг тасвирни визуаль идрок этишида шаклнинг ўрни беқиёс. Шакл инсон томонидан буюмнинг ташқи кўриниши сифатида қабул қилинади. Шакл буюмлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини инсонларга тез ва осон ажратиб олишда жуда муҳим саналади. Композиция яратиш жараёнида шакл кўплаб буюм ва инсонларнинг йигиндисидан ташкил топган умумий кўриниш сифатида тушунилади. Шакл кадр композициясининг тушунарли, осон идрок этишга хизмат қилувчи воситаси саналади. Кадр композициясини яратишда экран ижодкорлари асосан учта шаклдан фойдаланадилар. Булар - айлана, учбурчак ва овал. Ижодкорлар бу шаклларни осон ва ишончлироқ деб билишади. Кўп тасвирчилар учбурчак шаклидаги композицияни афзал билишади. Бу қаҳрамон ва буюмларни жойлатириш, тасвирга олиш нуқтасини топиш, кадр мувозанатини таъминлашда осон ва қулай. Қолаверса учбурчак ишончли, барқарор ва мужассамлик ҳиссини беради. Тасвирчи фильмнинг мазмунидан келиб чиқиб, кадр композициясига шакл танлайди. Аниқ, тушунарли эпизод бўлса, шакл ҳам аниқ, тушунарсиз вазият бўлса, шаклсиз, тарқоқ шаклдаги композицияларни яратадилар.

Чизиқлар: кадр композициясини яратишда кучли воситалардан бири. Чизиқлар кадрни композиция марказига йўналтириш вазифасини бажаради ва тасвир кайфиятини яратади. Кадр композициясини яратишда нафақат аниқ йўналтирилган чизиқлар, балки яширин чизиқлар ҳам мавжуд. Мисол учун, ҳаракат қаҳрамоннинг назари тушган тарафга йўналтирилиб, мавзуни очиб берувчи сюжет детали билан боғлайди. Кадрдаги инсонлар, буюмлар, нур ва ранглар чизиқлар орқали кадр композицияси марказига йўналтирилади. Бунда ҳам шаклдаги сингари умумий чизиқлар тушунилади. Вертикалъ объектларнинг визуаль доминатлиги туфайли ҳам дарҳол дикқатни ўзига жалб қиласди. У ҳар доим ҳам буюмнинг ташқи кўриниши билан мос келмаслиги мумкин. Экран санъатида чизиқлар, инсонлар, буюмларни ўзвий бирлаштириш, ҳар хил тонал доғлар натижасида пайдо бўлган чизиқлар, ҳаракат, қаҳрамон нигоҳи тушган буюм томон йўналтирилган кўринмас чизиқлар сифатида намоён бўлади. Чизиқлар кадрда ҳаракатни кўрсатиб беради ва томошабинга руҳий таъсир кўрсатади.

"Композицион диагонал чизиқлар иккита: чап ва ўнг. Маълум бўлишича, улар инсонларда турли хил эмоционал таъсирларни келтириб чиқаради. Ўнг диагонал – мажор - кўргина томошабинларда қувонч, енгиллик, ҳаракат билан боғлиқ ҳиссиётларни уйғотади. Чап диагонал - минор - оғир вазиятни енгигиб ўтиш, қийинчилик, ғам-ғусса билан боғлиқ ҳиссиётларни уйғотади." [15.27.6.]

"Кадрнинг чап ва ўнг қисмлари тенг эмаслигини эслаб қолиш муҳим. Олдинлари бу ўнгдан чапга томон ўқиши одати сабабли келиб чиқади деб ҳисоблашган. Аммо тажрибалар ўнг ва чапнинг тенг эмаслигини хатто саводсизлар ҳам англай олишларини исботлади. Предметсиз схемада чапдан ўнгга юқорига қараган диагонал ўсиш сифатида қабул қилинади, чапдан ўнгга пастга қараган диагонал эса тушиш сифатида қабул қилинади. Рассомчиликда биринчиди диагонал бўйича йўналган ҳаракат иккинчи ҳолатга қараганда енгилроқ бўлиб кўринади." [16.59-60.6.]



3-расм. кадр композицияси диагонлларда.

Экрандаги қаҳрамонлар, табиатнинг кўринишлари, нур ва соя, рангли доғлар натижасида хосил бўлган чизиқларнинг кадрдаги ритмни яратишдаги роли жуда катта. Кўпчилик кинотасвирчилар кадрни диагонал тарзда жойлаштириб, куч-кудрат, заифлик ва кўркув хиссини, турли ракурсни кўллаган холда кадр композициясининг экрандаги таъсирини ва ҳаракатни янада кучайтириб беришади. Вертикаль чизиқлар юқорига йўналган бўлса, улуғворлик, куч, кудрат, ғолиблиқ, барқарорлик, ўсиш каби кўтаринкилик рухиятини беради, пастга томон йўналган бўлса, ғамгин ва тушкин ҳисларни кўрсатиб беради. Горизонталь чизиқлар тинчлик, хотиржамлик, мувозанат, чексизлик ва сокин вазиятларни англатади. Эгри чизиқлар нағислик, ҳиссиётларга бой, ҳаракат, ҳаётбахшилик, хилма-хиллик каби хиссиётларни яратади. Синиқ чизиқлар кадрда хавотирили, хатто тажовузкор хусусият беради. Синиқ чизиқлар билан тузилган композицияда ҳаракат ва йўналишлар хар тарафга йўналган бўлади, кўришингиз билан таҳликага солувчи таассурот пайдо бўлади.

Кадрдаги чизиқлар диагоналлари, вертикаллари, горизонталлари, эгри, синиқ, S шаклидаги ёки параллел чизиқлар асосий композиция марказига олиб бориб, кадр композицияси янада тўлиқроқ бўлишини таъминлайди. Маҳорат билан яратилган композицион чизиқлар томошабинни тасвир мазмун-моҳияти томон етаклайди, ҳаракатни кучайтиради ёки су сайтиради, қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини кучлироқ ҳис қилишига ёрдам беради.

Нур ва соя: нур экран санъатида жуда кўп хусусиятлари билан етакчи ўрин тутади. Энг аввало тасвирни пайдо қилувчи физик асос ҳисобланади. Нур ва соя уч ўлчамли шаклларни яратади. Замон ва макон, жисмларнинг шакли, ранги, тузилиши, ҳажми,

таркиби, ҳолатини, қаерда ва қандай жойлашганини белгилайди. Перспектива қоидаларини яратища, контраст, уйғунлик, ритм, ҳаракат, масофани аник күрсатиб, қаҳрамоннинг кайфиятини ифодалайди. Кадр композициясини тузища нур тасвирнинг тонал мувозанатини таъминлайди. Соялар ёрдамида кадрнинг динамикаси, ритми ва рельфи, фактураси, ҳажмини аник күрсатиб, яхлитлигини таъминлаб, визуаль уйғунликни яратади. Соисиз кадр икки ўлчамли бўлиб, ҳажм йўқолади. Ёруғликсиз бадий образни яратиш ёки ҳис-туйғуларни күрсатиш имкони йўқ. "Биз нурни ҳаёт, қувонч, янгиланиш ва баҳтнинг рамзи сифатида қабул қиласиз. Соя - бу зўравонлик, шафқатсизлик, айрилиқ, ўлим тимсоли каби кайфиятни яратиш воситаси сифатида қабул қилинади". [17.64.б.] Композициядаги нур ва соя қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини яратища нур-соя контрасти, ёруғлик кучи, маъно-мазмунни англатиб, ҳиссий ҳолатларини тўлақонли ифодалашга катта ёрдам беради.

Ранг: композиция яратища кучли таъсир күрсатиш кучига эга. Ранг контрасти, динамикаси, рангнинг оғир-енгиллиги, рангли доғлар композицион марказни хосил қиласиди. Бундан ташқари, кадр композициясининг мувозанати, ритми ва муҳитини яратища ҳам катта рол ўйнайди. Кучли контрастга эга ранглар, тўқ ва ёрқин ранглар томошабиннинг эътиборини ўзига жалб қиласиди. Рангни идрок этишимиз ҳиссий ва эстетик хусусиятларга эга. Рангнинг рамзий ва мажозий маъноларидан унумли фойдаланиш томошабинларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиб, уларнинг хотирасида ўчмас таассурот қолдириш услубидир. Рангнинг рамзий ва мажозий маънолари орқали фильмнинг ғояси, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари, моҳияти очиб берилади. "Кинокартиналарда рангларнинг аҳамияти шундаки, ранг элементи биринчи навбатда кинофильмга драматик ва драматургик фактор сифатида кириб кетади". [18.9.б].

Композицияда ранг асосий воситалар сарасига киради. Бу воситалардан ақилона фойдаланиб, томошабиннинг диққат-эътиборини тортиб, асосий бўлаётган воқеага, қаҳрамоннинг ички кечинмалари, унинг бошқа одамлар билан муносабатларини күрсатиб, рангли эффект яратилиб, бадий образ очиб берилади. Экран ижодкорлари рангнинг рамзий ва мажозий маъноларидан, ранг контрасти, динамикаси, нағислиги ёки қаттиқлигидан, уйғун ранглар комбинацияларидан оқилона фойдаланиб, ранг драматургиясини яратадилар. Ранг драматургияси фильмнинг умумий драматургияси мазмун-маъносини бойитиб, қаҳрамоннинг ҳиссий кечинмаларини очиб беришга хизмат қиласиди.

Фильм яратища тасвирга олиш жараёни жуда муҳим саналади. "Кинофильм яратища сценарий ва тайёргарлик жараёни қанчалик пухта бўлмасин, фильмнинг тақдирини охир-оқибат тасвирга олиш жараёни ҳал қиласиди, дея таъкидлайди режиссёр С. Герасимов".[19.47.б.] Дарҳақиқат, тасвирга олиш жараёнида нотўғри танланган тасвирга олиш нуқтаси, планлар, ракурс, ёритиш, ранг ечими каби композицион хатолар монтаж жараёнида, умуман фильмнинг умумий композициясида жиддий йўқотишларга олиб келади. Бу камчиликни тўғирлаш учун қайта тасвирга олишга тўғри келади. Бу жиҳатларни режиссёр, айниқса тасвирчи эътибордан қочирмаслиги зарур.

Фильмнинг умумий композицияси монтаж жараёнида яратилади. Фильмнинг сценарий композицияси, кадр композицияси, эпизод композицияси, сюжетлар композицияси, ранг композицияси, овоз ва мусиқий композицияси элементлари, композицион хусусиятларнинг барчаси жамланиб, монтаж жараёнида фильмнинг умумий композицияси яратилади. Фильмнинг умумий композицияси томошабинга фильм ғояси, кадрнинг таъсир кучини етказиб берувчи асосий восита саналади.

Композиция фильм яратилишининг барча жараёнларида узвий боғлиқ бўлиши шарт. Шундагина фильмнинг ғояси, фильмнинг услуби, режиссёр фикри, тасвирчининг оқилона нигоҳи, актёrlар гурухининг маҳорати, овоз режиссёри, чироқ устаси, монтаж устасининг маҳоратлари жамланиб, бадий жиҳатдан етук ва яхлит санъат асарига айланади. Композиция қонун-қоидалари, услуб, элементлари, воситалари ва перспектива қоидаларига риоя қилиниб тасвирга олинган фильмдаги тасвирнинг таъсир кучини таъминлайди ва томошабинга манзур бўлади.

Экран санъати, ижодий меҳнат самарасидир, ҳар бир ижодкордан билим, маҳорат, истеъдод, бадиий савия ва ҳис қила билиш қобилятини талаб қилади. Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Ижодий ҳамкорлик жараёнида ижодкорларнинг билими, дунёқараши, бир-бирини ҳис қилиши каби жиҳатлари ўзаро монанд бўлиши керак, яъни ижодкорлар ҳамоҳанг ва бир-бирини аник-равшан тушуниши лозим. Шундагина мукаммал, бадиий образларга бой, томошабин руҳиятига таъсир кўрсатувчи, мазмундор фильм яралади.

Композиция қанча мукаммал бўлса, унинг қонун-қоидаларига риоя қилинса, тасвирий тил равон, томошабин кўнглидан жой оладиган бадиий фильм яратилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А. Митта. Кинода режиссура ва драматургия. ("Жаннат ва жаҳаннам орасидаги кино"таржима.) Тошкент "Фан ва технология" 2014 й. 366. б.
2. А. Митта. Кинода режиссура ва драматургия. ("Жаннат ва жаҳаннам орасидаги кино"таржима.) Тошкент "Фан ва технология" 2014 й. 366 б.
3. С.Б.Мойсейчук. Режиссура культурно досуговых программ. Минск : БГУКИ, 2012 г. 99 с.
4. М. А. Харунжева. Феномен видения в теории познания @inproceedings. 2011, <https://www.semanticscholar.org. Corpus ID:200594230>
5. Уорд Питер. Композиция кадра в кино и на телевидении. Пер.с англ. А. М. Аемуровой. М. ГИТР. 2005г.196 с.
6. С.Е. Медынский Мастерство оператора-документалиста. М. "Издательство 625". 2004г. 144 с .
7. С.М. Ландо. Кинооператорское мастерство. Книга 1.СПб. Политехника-Сервис, 2019 г. 304 с.
8. <https://ru.citaty.net/avtory/leonardo-da-vinchi/>
9. Ҳ. Файзиев. Овозиз кинематографиядаги операторлик санъати тарихидан. Тошкент.2009.й. 123 б.
10. Уорд Питер. Композиция кадра в кино и на телевидении. Пер.с англ. А. М. Аемуровой. М. ГИТР. 2005г.196 с.
11. Р. Арнхейм. Искусство и визуальное восприятие. Б.БГК им. И. А. Бодуэна де Куртенэ, 2000. 392 с.
12. С.М. Ландо Кинооператорское мастерство. Санкт-Петербург. Политехника-Сервис. 2019.г.304.с.
13. Рудольф Арнхейм . Искусство и визуальное восприятие. Архитектура-С 2012 г. 392 с.
14. Ken Dancyger. The Technique of Film and Video Editing: History, Theory, and Practice.2007у. 484р.
15. А. Р.Дегтярев Фотокомпозиция: Средства. Формы. Приемы М. «Издательство ФАИР», 2009. 272 с.
16. С. М. Ландо Фотокомпозиция для киношколы. Политехника.2009 г. 320 с.
17. Медынский С. Е. Компонуем кинокадр. – М. Искусство, 1992. – 239 с.
18. Эйзенштейн С. Избранные произведения: В 6 т. М., 1964-1971. Т. 3. 581 б.
19. А. Головня Мастерство кинооператора. изд. Искусство. Москва. 1965 г. 240 с.
20. Р. Альбрехт. Язык композиции. Создаем выразительные фотографии. Москва. 2017г.192